



Йўқ, бу томир (узилиши) дир. Лекин қанча кун ҳайз кўрсанг, шунча пайт намозни тарк қил, сунгра ғусул олгин ва намоз ўқигин!» - дедилар

Оиша разийаллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Фотима бинти Абу Ҳубайш Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб сўради: «Мен истиҳоза кўрадиган ва покланмайдиган (ҳайзи тўхтамайдиган) аёлман. Намозни тарк қилайми?». Шунда У зот: «Йўқ, бу томир (узилиши) дир. Лекин қанча кун ҳайз кўрсанг, шунча пайт намозни тарк қил, сунгра ғусул олгин ва намоз ўқигин!» - дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Фотима бинти Абу Ҳубайш Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Менинг ҳайзим тўхтамайди. Ҳайз замонидан бошқа вақтда ҳам қон келаверади. Бошқа кунларнинг ҳукми ҳам ҳайз кунларим ҳукмига тушадими? Шунда намозни тарк қилайми?», - деб сўрадилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У истиҳоза қони. У бачадондаги томир узулишидан келиб чиқади ва у ҳайз қони эмас. Касал бўлишингдан олдин ойнаинг қайси вақтида ҳайз кўрган бўлсанг, ўша вақтларда рўза ва намоз каби ҳайз кўрган аёлга ман қилинадиган нарсаларни тарк қилгин. Агар ўша муддат тугаса, ҳайздан тозаланганлар каби бўласан. Қон ўрнини ювгин, сўнгра бутун баданингни ювиб ғусул ол, сўнгра намоз ўқи!»,- дедилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3029>

